*Адл ила олам юзин обод қил!*

# Куч – адолатда

2024 йил 19 июль, жума
№ 34-35 (1017)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров рафиқаси билан бирга 18 июль куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.***

Тошкент шаҳри халқаро аэропортида уларни давлатимиз раҳбари ва рафиқаси кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилиб, фахрий қоровул саф тортди.

Қўшнисига яхшилик соғиниб, ҳамиша тинч бўлишини тилаган, ютуғидан қувонадиган халқмиз. Оналаримиз тансиқроқ бирор егулик пиширса аввал бир девор нарига, ҳамсоясига илинган. Ўзига раво кўрганини бошқалар билан ҳам бўлишган. Бунда катта ҳикмат бор.

Ота-боболаримиз бир рўзғорнинг бошқалардан айро бахтиёр бўла олмаслигини яхши билган. Кучнинг бирликда эканлигини таъкидлашларининг маъноси ҳам шунда.

Мамлакатимизнинг кейинги йилларда қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга интилаётгани замирида ҳам ана шу кўп йиллик қадрият мужассам.

Ўзбекистон Қирғиз Республикаси билан “бир девор” қўшни. Қуда-анда, борди-келди, олди-сотди масалалари ўзига хос тарихга эга.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров Тошкент шаҳрига келгач, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғидаги Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Мажмуа билан қисқача танишув асносида Қирғиз Республикаси делегацияси вакилларига мазкур ансамбль мазмуни ва меъморий ечимлари ҳақида маълумот берилди.

Делегация аъзолари мажмуада акс эттирилган алломалар, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, жадид боболаримизнинг сиймоларига алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг Кўксарой қароргоҳида Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий кутиб олди ва шоҳсупага таклиф этди. Ҳарбий оркестр икки давлат мадҳияларини ижро этди.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда икки мамлакат ҳамкорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган кўп қиррали ҳамкорликни тубдан кенгайтириш учун яхши замин яратилганини алоҳида таъкидлади.

Парламентлар, ҳукуматлар, ташқи сиёсат ва тармоқ идоралари даражасидаги мулоқотлар натижадорлигини ошириш, халқаро ва минтақавий майдонлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти, минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари, "Марказий Осиё плюс" форматлари доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳамкорликнинг янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш муҳимлиги қайд этилди.

Транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш бўйича янги лойиҳа таклифлари кўриб чиқилди.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорликни, жумладан, Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши доирасида янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, қишлоқ ва сув хўжалиги, экология, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари минтақавий кун тартибидаги томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Мазкур саммитга тайёргарлик доирасида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, бизнес форуми, Ректорлар форуми, Авлодлар мулоқоти ва қатор маданий тадбирлар муваффақиятли ўтказилгани таъкидланди.

Савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, хавфсизлик, маданият ва бошқа муҳим йўналишлардаги ҳамкорлик натижалари танқидий таҳлил қилинди.

Музокаралар давомида томонлар парламентлар, ҳукуматлар, вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар, ишбилармонлар, экспертлар ва жамоатчилик даражасида фаол алоқаларни давом эттиришга келишиб олдилар. Давлатлараро кенгаш тузишга қарор қилинди.

Халқаро ва минтақавий тузилмалар, жумладан, БМТ, ШҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ва бошқа кўп томонлама майдонлар доирасида яқин ҳамкорликни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, энг аввало, импорт ўрнини босиш дастурлари ва кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Шу мақсадда ташриф давомида ўзаро савдо ҳажмини оширишга қаратилган дастур қабул қилинмоқда. Бундан ташқари, яқин йилларда 2 миллиард доллар кўрсаткичига чиқиш учун пойтахтларда савдо уйлари ташкил этилади, экспорт-импорт шартномалари тўплами шакллантирилади, экспортолди молиялаштириш воситалари жорий этилади, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини тезкор ташиш бўйича "яшил йўлак" ишга туширилади.

Саноат кооперацияси доирасидаги жорий лойиҳалар портфели 300 миллион долларга етгани таъкидланди. Куни кеча бўлиб ўтган бизнес форуми доирасида энергетика, логистика, электротехника, тўқимачилик, агросаноат ва бошқа тармоқларда савдо шартномалари ва инвестиция битимларининг янги тўплами қабул қилинди.

Бундай лойиҳаларни илгари суриш учун Ўзбекистон – Қирғизистон жамғармасининг устав капитали 200 миллион долларгача оширилади.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик стратегик йўналиш этиб белгиланди.

Қамбарота ГЭС-1 қурилишига доир битимни тез фурсатда имзолаш ва лойиҳанинг амалий босқичини бошлаш муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, икки мамлакат салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда кичик гидроэнергетикани ривожлантириш бўйича комплекс ҳамкорлик дастури тайёрланади.

Минтақада транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича стратегик лойиҳа тўғрисидаги уч томонлама битим имзолангани бу борада тарихий воқеа бўлди.

Учрашувда истиқболли транспорт лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Икки мамлакат ҳудудлари савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳақиқий драйверлари экани таъкидланди. Шу маънода, Бош вазирлар раислигидаги Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши доирасида фаол алоқалар давом эттирилади.

Ҳудудлар делегацияларининг ўзаро ташрифлари жадвалини тайёрлаш ва қўшма "йўл хариталари"ни янгилашга келишиб олинди.

Қишлоқ хўжалиги ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишидир. Қишлоқ хўжалиги экинларини биргаликда етиштириш, интенсив боғлар ва агрокластерлар ташкил этишни назарда тутувчи агрокооперация дастури амалга оширилиши қайд этилди.

Маданият, ёшлар, туризм, таълим, фан ва спорт соҳаларида фаол алмашинувлар давом эттирилади.

Келгуси йилларга мўлжалланган маданий тадбирлар тақвимини тайёрлашга келишиб олинди.

Йиғилишда Бош вазирлар ўринбосарларининг ҳисоботлари ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик юзасидан аниқ таклифлари тингланди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

2024 йил 25 июнь | № 19 | Тошкент шаҳри

## Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида

*Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, шунингдек, қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми*

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тафтиш тартибида кўриб чиқиш суд процесси иштирокчиларининг биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган қарорлари, шунингдек, апелляция ёки кассация инстанциясининг қарорлари устидан шикоят беришга бўлган ҳуқуқини кафолатловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖтК деб юритилади) $324^{24}$, $324^{25}$-моддаларига мувофиқ, биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича қарорлари, апелляция ёки кассация инстанциясининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарган қарорлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқи қуйидагиларга тегишли:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахсга, унинг қонуний вакилига, адвокатига;

жабрланувчига, унинг қонуний вакилига, адвокатига;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган органга;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларига.

Шу муносабат билан апелляция ёки кассация инстанция судлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорнинг кўчирма нусхаси уч кун мобайнида ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахсга, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган органга, шунингдек, ўзининг илтимосига кўра, жабрланувчига, апелляция ёки кассация тартибида протест келтирган прокурорга топширилади ёки юборилади (МЖтК-нинг $324^{11}$-моддаси, $324^{19}$-моддасининг ўн учинчи қисми).

3. Қонунга кўра, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) Ўзбекистон Республикаси Олий судига топширилади ёки жўнатилади (МЖтКнинг $324^{23}$-моддаси).

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

2024 йил 25 июнь | № 20 | Тошкент шаҳри

## Судлар томонидан фуқаролик ишларини тафтиш тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

*Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, шунингдек, қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми*

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, фуқаролик ишларининг тафтиш тартибида қайта кўрилиши суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини, судлар томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини ва процессуал қонун талабларига риоя этилишини таъминловчи ҳуқуқий институтнинг муҳим қисми ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) $419^{4}$-моддасида кўрсатилган суд ҳужжатлари устидан тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш ҳуқуқи қуйидагиларга берилган:

(Давоми 3-бетда) ▶

*Мунаввар лаҳзалар*

## КИТОБЛАРДАН топган дурларим

***Китоб илм-тафаккур йўлини ёритувчи, мураккаб вазиятларда ҳам ягона нажот йўлини кўрсатиб берувчи машъаладир. Шундай китоблар борки, уларнинг баҳоси ҳукмдорлар неча йиллар давомида йиққан хазинадан ҳам баланд туради.***



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
*"Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири*

Китобшунос, адаб илмига доир кўплаб асарлар муаллифи ибн ан-Надиймнинг хотирлашича, Маъмун бир урушда Рим подшоҳини мағлуб этгач, ўзаро сулҳга кўра, ундан ўлпон ўрнига боғдодлик олимларга хазинасидаги нодир китобларни таржима қилиш учун рухсат беришини талаб қилган.

Фотимий халифаларнинг машҳур кутубхоналари мамлуклар тажовузи пайтида йўқ қилинган. Муаррихлар “Жоҳил оломон нодир китобларга ўт қўйиб, уларнинг жилдидан кийишга пойафзал ясаб олдилар”, дея ёзишган.

Мўғул босқинчилари Бағдодни босиб олганда шаҳардаги машҳур кутубхоналар бутунлай йўқ қилинган. Тарихий манбаларда ёзилишича, ваҳшийлар қўлларига илинган барча китобларни дарёга улоқтиришган, сувга ташланган китоблар ҳисобига дарё қирғоқларидан тошган, шу даражадаки, отлиқ киши у соҳилдан бу соҳилга бемалол ўта олган, китобларнинг ранги ҳисобига сув бир неча ой қоп-қора тусга кирган.

(Давоми 6-бетда) ▶




## Энергияни тежаш ва унинг самарадорлигини ошириш

### УНГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

***Барқарор ривожланишнинг янги талабларидан келиб чиқиб, юртимизда табиий ресурсларнинг интеграллашган бошқарувини таъминлаш, энергетик барқарорликка эришиш ва экологик вазиятни яхшилаш бўйича янгича ёндашувлар асосида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда харажатлари юқори ва самарадорлиги паст бўлган ҳамда атроф-муҳитга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатиб, кўп ресурс талаб этадиган иқтисодиётнинг эски моделини енгиб ўтиш давримизнинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.***



**Борий АЛИХОНОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси*

Янги глобал энергетик ривожланиш йўлини танлаш – тараққиётнинг ягона амалий чорасидир. У иқтисодий ва молиявий тизимнинг барқарорлигини, инсон ривожланишининг турғун ўсишини таъминлайди.

Қисқа қилиб айтганда, барқарор иқтисодий-энергетик ривожланиш бу – қайта тикланувчи, ресурстежамкор, чиқитсиз ва кам чиқитли технологиялар кенг қўлланиладиган, иссиқхона газлари паст ҳажмда чиқариладиган, атроф-муҳит учун хавф аҳамиятли даражада камайтирилган, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга асосланган ривожланишдир.

(Давоми 5-бетда) ▶

*Менда таклиф бор*



## ЯНГИ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА: фуқаролик суд ишларини юритишни тартибга солади

***Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 21-моддасида инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шартлиги белгиланган. Ушбу қоида нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади. Аммо фуқаролик суд ишларини юритишда процесс иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бунга амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш тушунчаси ва унинг ҳуқуқий оқибатларига таъриф берилмагани асосий сабаб бўлаётганини қайд этиш жоиз.***

(Давоми 5-бетда) ▶

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
### ҚАРОРИ

# Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг, ҳудудий ҳарбий судларнинг апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган қарорлари, шунингдек, апелляция ёки кассация инстанциясининг қарорлари устидан келтирилган тафтиш тартибидаги шикоят (протест) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилади.

4. Фуқаролик, иқтисодий ишларни кўриб чиқиш пайтида шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида чиқарилган суд қарори устидан тафтиш шикояти (протести) тегишлича, Фуқаролик, Иқтисодий процессуал кодексларида белгиланган тартиб ва муддатларда берилади (МЖтКнинг 315-моддаси).

МЖтКнинг $324^{26}$-моддасига мувофиқ, тафтиш шикояти (протест) апелляция ёки кассация инстанцияси судининг қарори чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкин.

5. Узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган шикоят (протест) беришнинг олти ойлик муддати шикоят (протест) берувчи шахснинг илтимосномасига биноан тафтиш инстанцияси томонидан тикланиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатлар узрли деб топилиши мумкин:

процессуал ҳаракатни амалга оширишга объектив тўсқинлик қилувчи ҳолатлар (масалан, фавкулодда ҳолатлар, сув тошқинлари, эпидемиялар, пандемия, карантин).

шахснинг касаллиги, оилавий аҳволи (оила аъзоларининг ўлими ёки оғир касаллиги), шахснинг қилмишида жиноят аломатлари аниқланганлиги, тарафлардан бирининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги, шунингдек, бошқа ҳолатлар, агар улар қонунда белгиланган муддатда тафтиш тартибида шикоят беришни истисно этган ёхуд жиддий тарзда қийинлаштирган бўлса.

Тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома суд мажлисида судья томонидан тарафларнинг иштирокида, суд мажлиси ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилган тарафлар келмаган ҳолларда эса уларнинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Илтимосномани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Шикоят (протест) келтириш муддатини тиклаш тўғрисидаги ажримда муддатни ўтказиб юборишнинг суд томонидан узрли деб топилган сабаблари кўрсатилиши керак.

6. МЖтКнинг $324^{27}$-моддасида тафтиш тартибидаги шикоятнинг (протестнинг) мазмуни юзасидан муайян талаблар белгиланганлиги туфайли тафтиш инстанцияси суди шикоят, протест берувчи шахс томонидан ушбу талабларга риоя этилганлигини текшириши шарт.

Тафтиш шикояти (протест) қайд этилган талабларга жавоб бермаса, судья МЖтКнинг $324^{30}$-моддасига мувофиқ уни берган шахсга кўриб чиқмасдан хат билан қайтаради.

Қонунга кўра, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) қуйидаги ҳолатларда ҳам кўриб чиқилмасдан, хат билан қайтарилиши мумкин (МЖтКнинг $324^{30}$-моддаси):

шикоят (протест) МЖтКнинг $324^{24}$ ва $324^{25}$-моддаларида кўрсатилган шахслар томонидан берилмаган бўлса;

шикоят (протест) шикоят келтириш муддатини ўтказиб берилган ва уни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

тафтиш тартибида берилган шикоятни (протестни) қайтариб олиш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тафтиш тартибида кўрилиши мумкин бўлмаса.

МЖтКнинг $324^{24}$, $324^{25}$ ва $324^{27}$-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг шахс такроран умумий тартибда шикоят (протест) билан мурожаат қилишга ҳақли.

7. МЖтКнинг $324^{29}$-моддасига мувофиқ, тафтиш тартибида шикоят (протест) берган шахс ўз шикояти (протести)ни қайтариб олишга ҳақли.

Шу билан бирга ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича суднинг қарори чиқарилган шахс ўз адвокатининг тафтиш тартибида берилган шикоятини қайтариб олишга ҳақли.

Маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг адвокати, қонуний вакили ўз шикоятини фақат маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг розилиги билан қайтариб олишга ҳақли.

Тафтиш тартибида берилган шикоят (протест)ни қайтариб олишга тафтиш инстанцияси суди алоҳида хонага киргунига қадар йўл қўйилади.

Тафтиш тартибида берилган шикоят (протест) суд муҳокамаси бошлангунига қадар қайтариб олинганда, суд уни берган шахсга хат билан қайтаради. Шикоят (протест) суд муҳокамаси бошланганидан сўнг берилган бўлса, суд МЖтКнинг $324^{38}$-моддаси 6-бандига мувофиқ тафтиш тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор чиқаради. Агар иш бўйича бошқа процесс иштирокчилари томонидан ҳам тафтиш тартибида шикоят (протест) берилган бўлса, суд фақат шикоят (протест)ни қайтариб олган шахсга нисбатан тафтиш тартибида иш юритишни тугатади ва бошқа шахсларга нисбатан иш юритишни давом эттиради.

Шуни инобатга олиш лозимки, шикоят (протест) қайтариб олиниши муносабати билан тафтиш тартибида иш юритишнинг тугатилиши МЖтКнинг $324^{26}$-моддасида белгиланган муддатларда шикоят (протест) билан қайта мурожаат қилинишига тўсқинлик қилмайди.

8. Олий суд судьяси томонидан туман (шаҳар) судларининг, ҳудудий ҳарбий судларнинг апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган қарорлари устидан тафтиш инстанциясига келиб тушган шикоят ва унга илова қилинган материаллар, зарур бўлган ҳолларда эса, иш ҳужжатлари ҳам талаб қилиб олинган ҳолда ўрганилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш зарур бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва унинг ўринбосари томонидан ҳам талаб қилиб олинишини мумкин.

Шикоятни ўрганиб чиқишда шунга эътибор қаратиш лозимки, унда баён этилган важлар суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги юзасидан шубҳа уйғотган ҳар бир ҳолатда иш чақиртириб олиниши шарт.

Шунингдек, қуйидаги ҳолатлар юзасидан шубҳа туғилганда иш талаб қилиб олиниши керак:

суд хулосаларини ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқлигига;

МЖтКнинг нормаларига риоя қилинганлигига;

тайинланган жазонинг адолатлилигига.

Бундан ташқари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш МЖтКнинг 271-моддасига асосан тугатилиши лозим бўлган ҳолларда ҳам талаб қилиб олиниши лозим.

Электрон шаклда шакллантирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ўрганиш ахборот тизими орқали амалга оширилади (МЖтКнинг $269^{1}$-моддаси).

Тушунтирилсинки, тафтиш тартибида берилган шикоят (протест) бир ойгача бўлган муддатда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш талаб қилиб олинган тақдирда эса, икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак. Бунда муддат тафтиш тартибидаги шикоят (протест) судьянинг иш юритувига келиб тушган пайтдан, иш талаб қилиб олинганида эса, иш келиб тушган пайтдан ҳисобланади.

9. МЖтК $324^{31}$-моддасининг мазмунига кўра, суд қарорини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ажрим фақатгина тафтиш тартибидаги шикоятни ўрганиб чиқиш натижаси бўйича чиқарилиши мумкин.

Тафтиш тартибидаги протестни қайтариш учун асослар мавжуд бўлмаса (МЖтКнинг $324^{30}$-моддаси), судья ишни кўриб чиқиш учун тайинлайди ва Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказади, бу ҳақда ажрим чиқаради.

Шикоятни Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажримда суд мажлисига тарафларни ва бошқа иштирокчиларни чақириш кўрсатилиши, шунингдек, МЖтКнинг $324^{33}$-моддасида белгиланган бошқа масалалар ҳал қилиниши керак.

10. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, МЖтКнинг $324^{34}$-моддаси талабларининг бажарилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш иштирокчиларининг ҳуқуқлари таъминланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган иш тафтиш тартибида кўриб чиқиш учун Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига киритилганлиги, шикоят (протест)нинг кўчирма нусхаси ёхуд қарор чиқарган суднинг интернет-ресурси орқали унинг электрон нусхаси билан танишиш мумкинлиги тўғрисида уч сутка ичида хабардор қилиниши лозим.

Тарафларга уларнинг тафтиш тартибида берилган шикоятга (протестга) доир ўз эътирозларини ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат тарзида тақдим этиш ҳуқуқи эътирозларни тақдим этиш муддати кўрсатилган ҳолда тушунтирилади. Келиб тушган эътирозлар ишга қўшиб қўйилади.

Белгиланган муддатда тарафнинг шикоятга (протестга) нисбатан эътирозлари судга келиб тушмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

11. МЖтКнинг $324^{35}$-моддасига мувофиқ, суд қарори чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган ишни кўриб чиқиш бошланишидан камида уч сутка олдин хабардор қилиниши керак. Чақирув қоғози почта орқали жўнатилиши ёки чопар орқали топширилиши, телефонограмма, телеграмма, телефакс ёки бошқа ҳар қандай алоқа воситаси орқали ҳам юборилиши мумкин. Тегишли тартибда хабардор қилинганлик ҳақидаги маълумотлар иш материалларига қўшиб қўйилиши керак.

Тафтиш инстанцияси суди мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор этилган шахсларнинг келмаганлиги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Тушунтирилсинки, прокурор томонидан тафтиш тартибида протест киритилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосари ёки улар томонидан ваколат берилган прокурор иштирок этиши шарт.

12. Ишда иштирок этувчи шахсларга тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бўйича келиб тушган эътирозлар ва ишдаги бошқа ҳужжатлар билан танишиш имконияти берилиши шарт.

13. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш Ўзбекистон Республикаси Олий суд судьяси томонидан тафтиш тартибида якка тартибда кўрилади.

14. Судья маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ишни тафтиш тартибида иш юритиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда биринчи инстанция судида кўриш қоидалари бўйича кўриб чиқади (МЖтКнинг $324^{37}$-моддаси).

15. Тафтиш инстанцияси суди тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриб чиқишда ундаги важлар билан чегараланмасдан, ишда мавжуд, шунингдек, судга тақдим этилган (суд томонидан талаб қилиб олинган) янги далиллар билан бирга ишни тўлиқ ҳажмда текширади.

Тафтиш инстанцияси судида иштирок этувчи шахслар томонидан киритилган илтимосномаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича суд ажрим чиқаради. Судьяни рад қилиш тўғрисидаги ёки бошқа органларга ижро этиш учун юбориладиган ажримлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома алоҳида хонада чиқарилиб, алоҳида ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ва судья томонидан имзоланади.

16. Тафтиш инстанцияси суди тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўришда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текширади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича суд қарори, башарти у моддий ва процессуал қонуннинг барча талабларига риоя этилган ҳолда чиқарилган бўлса, қонуний деб топилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича суд томонидан ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилган далиллар асосида чиқарилган қарор асослантирилган деб топилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарор, башарти тайинланган маъмурий жазо чораси содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар инобатга олинган ҳолда тайинланган бўлса, адолатли ҳисобланади.

17. МЖтКнинг 321-моддасида ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорни бекор қилиш ва ўзгартиришнинг умумий асослари белгиланган.

Тафтиш инстанцияси суди ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, бу асосларни қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қўллаши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан суд чиқарган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қуйидагилар асос бўлади:

суд томонидан ишни тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши;

қарор ва суд томонидан қўлланилган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун нормалари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иш бўйича фактик ҳолатларга мос келмаслиги;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши;

қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги.

18. Шикоят (протест)ни тафтиш тартибида кўриб чиқиш натижалари бўйича суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоятни (протестни) эса, қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида;

апелляция ёки кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида;

иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида;

биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш ва янги қарор қабул қилиш ҳақида;

жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатида назарда тутилган доирада ўзгартириш ҳақида;

тафтиш тартибида берилган шикоят (протест) қайтариб олинган тақдирда, тафтиш тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисида.

Шунингдек, тафтиш тартибида қуйидаги қарорлар ҳам қабул қилиниши мумкин:

биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси судларининг ваколатли органнинг маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорига нисбатан шикоят бериш муддатини тиклашни рад қилиш тўғрисидаги ажримлари устидан берилган хусусий шикоятни (протестни) қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисида;

суднинг қарори устидан апелляция ёки кассация шикояти (протести) бериш муддатини тиклашни рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган хусусий шикоятни (протестни) қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисида (МЖтКнинг 316-моддаси, $324^{3}$-моддаси 3-қисми, $324^{16}$-моддасининг 4-қисми).

Тафтиш инстанцияси суди қарори чиқарилгач, дарҳол ўқиб эшиттирилади.

19. Тафтиш инстанцияси суди иш ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилганлигини, МЖтК нормаларининг бузилишига йўл қўйилмаганлигини, ҳуқуқбузарликни квалификация қилишда моддий қонун нормаларининг тўғри қўлланилганлигини, тайинланган маъмурий жазо чораси МЖтКнинг 30-моддаси талабларига мувофиқлигини аниқласа, биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси судлари қарорларини ўзгаришсиз қолдиради.

20. Тафтиш инстанцияси суди биринчи, апелляция ёки кассация судлари қарорларини ўзгартиришда қуйидагиларга ҳақли:

маъмурий ҳуқуқбузарлик квалификациясини маъмурий жазо чорасини ўзгартирмаган ҳолда ўзгартиришга;

маъмурий ҳуқуқбузарлик квалификациясини маъмурий жазо чорасини енгиллаштирган ҳолда ўзгартиришга;

маъмурий жазо чорасини МЖтКнинг махсус қисми тегишли моддасининг санкцияси доирасида ўзгартиришга;

бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўллаш ҳақидаги МЖтКнинг 34-моддаси талаблари бузилган ҳолатларда қонунга мувофиқлаштириб ўзгартиришга;

МЖтКнинг махсус қисми муайян моддасини ёки ҳуқуқбузарлик эпизодларини чиқаришга;

моддий зарар миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга, шунингдек, ҳуқуқбузарлик ашёлари тўғрисидаги масалани ҳал қилишга.

Тафтиш инстанцияси суди МЖтКнинг 33-моддасига мувофиқ, бундай қарор қабул қилиниши сабаб ва асосларини кўрсатган ҳолда, МЖтКнинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазони ёки мазкур моддада назарда тутилмаган бошқа жазони қўллашга ҳақли.

21. МЖтКнинг 278-моддасига мувофиқ, агар ишни кўриб чиқиш пайтида тафтиш инстанцияси суди ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилади ва иш ҳужжатларини асослантирилган қарор билан бирга прокурорга юборади.

Тергов ёки суриштирув органи иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва текшириш натижаси бўйича ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқ, деган хулосага келса, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишни жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор билан бирга биринчи инстанция судига юборади.

Бундай ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқилади.

22. Тафтиш инстанцияси суди, агар жабрланувчининг, унинг вакилининг ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган органнинг шикоятини ёхуд прокурор протестини кўриб чиқиш натижаларига кўра, жазо чорасини оғирлаштириш ёки қилмишни МЖтК махсус қисмининг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи моддасига қайта квалификация қилиш зарурати бор, деган хулосага келса, биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилади ва янги қарор чиқаради.

23. Судларга тушунтирилсинки, агар тафтиш тартибидаги шикоят (протест)ни кўриб чиқиш пайтида МЖтКнинг 271-моддасида (10, $10^{1}$-бандларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлардан бири аниқланса, суд қарорлари бекор қилиниши, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш эса, тугатилиши лозим.

МЖтКнинг 324-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш орқали қарорни бекор қилиш ундириб олинган пул суммаларини, ҳақи тўлаб олиб қўйилган ёки мусодара қилинган нарсаларни қайтариб беришга, шунингдек, илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ чеклашларни бекор қилишга асос бўлади. Нарсани қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг қиймати, башарти бу нарсалар тадбиркорлик учун мўлжалланган бўлса, бой берилган фойдаси ҳам қопланади. Мазкур қоида МЖтКнинг 271-моддаси 5, 7, 9-бандларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Фуқарони ғайриқонуний равишда маъмурий қамоққа олиш натижасида унга етказилган зарар қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.

24. Тафтиш инстанцияси суди иш бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда, бу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўриш учун корхона, муассаса, ташкилот раҳбари номига тақдимнома киритиши лозим.

Тафтиш инстанцияси суди томонидан бундай тақдимнома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш учун масъул орган (мансабдор шахс) томонидан қонун бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланган ҳолларда ҳам киритилиши керак.

25. Тафтиш инстанцияси суди қарори ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради ва узил-кесил ҳисобланиб, унинг устидан шикоят (протест) билдиришга йўл қўйилмайди (янги очилган ҳолатлар бундан мустасно).

26. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, тафтиш инстанциясининг қарори иш билан бирга биринчи инстанция судига ёки бошқа судга уч кунлик муддатда юборилиши лозим. Қарор чиқарилган шахсга унинг кўчирма нусхаси уч кунлик муддатда юборилади ёки топширилади, шунингдек, жабрланувчига унинг сўровига биноан берилади.

Шуни назарда тутиш керакки, маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тариқасидаги маъмурий жазо чораси қўлланилган иш бўйича чиқарилган қарорнинг кўчирма нусхаси қарорни ижро этувчи органга, шунингдек, ишда иштирок этувчи шахсларга қарор қабул қилинган куннинг ўзидаёқ юборилади (топширилади).

27. Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида ишларни тафтиш тартибида кўриш бўйича суд амалиётини умумлаштириб бориш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий суди раиси** **Б. ИСЛАМОВ**

**Пленум котиби,**
**Олий суд судьяси** **Н. ХАКИМОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари қўшма "йўл харитаси"ни тайёрлаш ва эришилган келишувларни самарали амалга ошириш механизмларини йўлга қўйиш бўйича топшириқ бердилар.

Икки томонлама музокаралар якунлангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров йирик кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида иштирок этдилар.

Жумладан, Фарғона ва Наманган вилоятларида умумий қуввати 400 мегаватт бўлган иккита қуёш электр станцияси қурилишига старт берилди. Ушбу станцияларда ишлаб чиқариладиган электр энергияси Қирғизистонга етказиб берилиши кўзда тутилган.

Чуй вилоятида замонавий енгил автомобиллар ва тижорат техникалари ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. Хусусан, у ерда "Кобальт," "Оникс" ва "Трекер" русумли енгил ҳамда юк автомобиллари йиғилади.

Шунингдек, Қора-Балта шаҳрида тикув-трикотаж маҳсулотлари ва мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонага замонавий технологик ускуналар етказиб берилиб, ўрнатилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари ушбу лойиҳалар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ўртасида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ташриф давомида 16 та ҳужжат имзоланди, жумладан:

– Қирғиз Республикасининг Иссиққўл вилояти ҳудудида жойлашган курорт-ҳордиқ хўжалиги объектлари бўйича ҳукуматлараро битим;

– Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида баённома;

– Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши бўйича икки томонлама музокараларни якунлаш тўғрисида баённома;

– Қурилиш фаолияти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Меҳнат, аҳоли бандлиги ва миграция соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Давлат хизмати соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– 2024-2030 йилларда ўзаро савдо ҳажмини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

– 2024-2026 йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси;

– 2024-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича "йўл харитаси";

– 2024-2026 йилларда Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Қирғиз Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ташаббуслар миллий институти ўртасидаги меморандум ва бошқалар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Ўзбекистон раҳбари Қирғизистон Президентининг давлат ташрифи тарихий воқеа бўлгани ва мамлакатларимиз кўп қиррали ҳамкорлигида янги даврни бошлаб берганини таъкидлади.

Бу галги саммитга биргаликда жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилгани қайд этилди. Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, бизнес форуми, Ректорлар форуми, Авлодлар мулоқоти самарали ўтди. Шу кунларда мамлакатимиз ҳудудларида Қирғизистон маданияти кунлари ўтказилмоқда.

Ҳар доимгидек очиқ, конструктив ва дўстона руҳда ўтган бугунги музокаралар якунлари катта мамнуният билан қайд этилди.

Келгусида ўзаро ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтариш учун асос бўлиб хизмат қиладиган Кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот ташрифнинг асосий сиёсий ҳужжати бўлди.

Президентлар раислигидаги Давлатлараро кенгаш тузиш бўйича келишувга эришилди.

Етакчилар саноат кооперациясида, энг аввало, икки мамлакат иқтисодиётининг бир-бирини тўлдирадиган тармоқларида янги ўсиш нуқталарини яратиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Булар энергетика, автомобилсозлик, транспорт ва логистика, электротехника, тўқимачилик, агросаноат ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалардир.

Ҳудудлар ўртасидаги тизимли мулоқотни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши ишини фаоллаштиришга келишиб олинди. Ўзаро ташрифлар жадвали тайёрланиб, ҳамкорлик бўйича "йўл хариталари" янгиланади. Лойиҳалар портфелини йил якунига қадар 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Давлат раҳбарлари қишлоқ хўжалиги соҳасида янги имкониятларни белгилаб бердилар. Қишлоқ хўжалиги экинларини биргаликда етиштириш, фьючерс битимларидан фойдаланган ҳолда интенсив боғлар ва агрокластерлар ташкил этиш шулар жумласидан.

– "Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон" темир йўлини қуриш стратегик лойиҳаси бўйича уч томонлама битим имзолангани тарихий воқеа бўлди, – деди мамлакатимиз етакчиси.

Транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасидаги янги лойиҳаларни ўрганиш учун экспертлар гуруҳини ташкил этишга келишиб олинди.

Кичик гидроэнергетика соҳасида алоҳида ҳамкорлик дастури тайёрланиши қайд этилди.

– Қамбарота ГЭСи қурилиши тўғрисида уч томонлама битим қабул қилишни тезлаштириш чораларини кўрамиз. Ушбу мегалойиҳа, шубҳасиз, бутун минтақамизнинг барқарор тараққиётига хизмат қилади, – деди Ўзбекистон Президенти.

Маданият, ёшлар, таълим, фан ва спорт соҳаларида фаол мулоқот ва алмашинувлар давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари сайёҳлик алмашинувини ривожлантириш имкониятларини алоҳида қайд этди. Айни пайтда Тошкентдан Бишкек ва Томчига тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилган.

Ташриф давомида Ўзбекистоннинг Иссиққўлдаги санаторий-курорт мажмуалари тўғрисида битим имзоланди. Июль ойи бошида Ўзбекистон томони учта объектни ишга туширди, улар меҳмонларни қабул қилмоқда. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси сўзининг якунида музокаралар натижаларидан мамнунлигини изҳор этди ҳамда Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга тарихий ташрифи самаралари ҳамкорликни аниқ мазмун билан бойитишга, ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров рафиқалари билан бирга Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари бошланишига бағишланган концертда иштирок этдилар.

Икки мамлакат санъат усталарининг ушбу концерти чуқур тарихий илдизлар билан боғланган, дини бир, қадрият ва анъаналари муштарак ўзбек ва қирғиз халқларининг кўп асрлик дўстлиги ифодаси бўлди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчиларининг иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли қардош халқлар янада яқинлашди, давлатлараро муносабатлар эса кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Истеъдодли санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқларда халқларимиз маданиятининг бойлиги, ўзига хослиги ва шу билан бирга муштараклиги ўз ифодасини топди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
*ЎзА мухбирлари*

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг**

**ҚАРОРИ**

# Судлар томонидан фуқаролик ишларини тафтиш тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

даъвогар (аризачи), жавобгар, учинчи шахс, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича манфаатдор шахсга;

даъвогар (аризачи), жавобгар, учинчи шахсларнинг қонуний вакиллари ва ҳуқуқий ворисларига;

ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига палата аъзоларининг манфаатида;

прокурорга.

Ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, шу жумладан адвокат, суд ҳужжати устидан тафтиш тартибида шикоят қилишга, башарти бундай ҳуқуқ ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлгандагина ҳақли (ФПК 69-моддасининг иккинчи қисми).

Суд ҳужжати устидан тафтиш тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг қонуний вакили (ота-она, фарзандликка олганлар, васий, ҳомий ва ҳоказо.) ўз вакиллигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилиши талаб қилинади (ФПК 66-моддаси).

Ишда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқий вориси томонидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятга ҳуқуқ ўтганлиги фактини ёки бундай ҳуқуқ ўтиши мумкинлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (никоҳ, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, васиятнома ва ҳоказо.) илова қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, вилоят прокурори, унга тенглаштирилган прокурор ва уларнинг ўринбосарлари прокурор иштирокида кўрилган ҳамда қонунда прокурорнинг мажбурий иштироки белгиланган ишлар бўйича тафтиш тартибида протест келтиришга ҳақли. Прокурор иштирокисиз кўрилган ишлар бўйича тафтиш тартибидаги протест ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахсларнинг мурожаати мавжуд бўлганда, келтирилиши мумкин.

3. Судларга тушунтирилсинки, ФПК 52-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар (масалан, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ва ш.к.) ва айрим фуқаролар фақат даъво ариза (ариза) улар томонидан берилган ҳолдагина суд ҳужжати устидан тафтиш тартибида шикоят бериши мумкин. Улар даъвогар бўлмаган иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжати устидан тафтиш тартибидаги шикоят берилган ҳолда шикоятни қабул қилиш ФПК $419^{11}$-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари улар судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ёки қилмаганлигидан қатъий назар, суд ҳужжати устидан тафтиш тартибида шикоят бериши мумкин.

4. ФПК $419^5$-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди (бундан буён матнда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Раёсати тафтиш инстанцияси судлари ҳисобланади.

5. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳудудий ҳарбий судлар томонидан қабул қилинган ва апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари, шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьясининг апелляция ёки кассация шикоятини (протестини) қайтариш ёки иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримлари устидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятлар (протестлар) тегишинча вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўриб чиқилади.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация ва тафтиш тартибида кўрилган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳудудий ҳарбий судлар томонидан қабул қилинган ишлар бўйича суд ҳужжатлари, шу судлар судьясининг тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) қайтариш ёки иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримлари устидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятлар (протестлар), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ва апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари устидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятлар (протестлар) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг протестлари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида кўриб чиқилади.

6. ФПК $419^6$-моддасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди томонидан қабул қилинган ва апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжати, шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьясининг апелляция ёки кассация шикоятини (протестини) қайтариш ёки иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан берилган тафтиш тартибидаги шикоят (протест) вилоят ёки унга тенглаштирилган суднинг номига йўлланади, лекин суд ҳужжатини қабул қилган судга берилади.

Суд ҳужжатини қабул қилган суд шикоятни (протестни) у келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда тафтиш инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.

Тушунтирилсинки, суд ҳужжатини қабул қилган суд тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) процессуал қонуннинг бирор-бир талабларига мос эмаслиги асоси билан қайтаришга ёки уни қабул қилишни рад қилишга ҳақли эмас.

Вилоят ва унга тенглаштирилган суд томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжати устидан берилган тафтиш тартибидаги шикоят (протест) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати номига йўлланади ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжати устидан протест келтириш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки Бош прокурорнинг номига йўлланади ва тегишинча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки Бош прокуратурасига берилади. Ушбу суд ҳужжати устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига йўлланган протест бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.

7. Қонунга мувофиқ, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанцияси судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилиши мумкин (ФПК $419^6$-моддасининг бешинчи қисми).

Тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) бериш муддати биринчи инстанция судининг суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан ҳисобланади.

8. Вилоят ва унга тенглаштирилган судларга тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати кассация инстанцияси суди томонидан ажрим чиқарилгунига қадар ўтган тақдирда, шикоят (протест) кассация инстанцияси суди томонидан ажрим қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин (ФПК $419^6$-моддасининг олтинчи қисми).

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида ажрим чиқарилгунига қадар ўтган тақдирда, шикоят (протест) ушбу судлар томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича ажрим қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин (ФПК $419^6$-моддасининг еттинчи қисми).

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига протест киритиш тўғрисидаги ариза тафтиш шикояти бериш муддати ичида, мазкур муддат Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилгунга қадар ўтган тақдирда, ушбу судлов ҳайъатининг ажрими қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича суд (судья) томонидан, агар илтимоснома шикоятни (протестни) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ой ичида берилган ва шикоятни (протестни) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин (ФПК $419^6$-моддасининг тўққизинчи қисми).

Ушбу муддатнинг ўтиши муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани рад қилишга асос бўлади, шикоят (протест) эса, кўриб чиқилмайди.

9. Тушунтирилсинки, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш масаласи шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси асосида вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг судьяси томонидан якка тартибда ҳал қилинади ва бу ҳақда шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш ёки уни қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилган тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш масаласи алоҳида ажрим ёхуд шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим билан ҳал қилинади.

Шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад этилганлиги сабабли (ФПК $419^{11}$-моддаси биринчи қисмининг 6-банди) уни қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажримда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш қайси асосларга кўра рад этилганлиги, ажримнинг хулоса қисмида эса, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад этилганлиги кўрсатилиши лозим.

10. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) бериш муддати узрли деб топилган сабабларга асосан тикланганда, шикоят (протест) бериш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар томонидан ўтказиб юборилган муддатни, ўтказиб юборилиши сабабларидан қатъий назар, тиклаш тўғрисидаги масала қўшимча равишда кўриб чиқилиши талаб этилмайди. Шикоят (протест) бу шахслар томонидан процессуал қонун талабларига риоя этган ҳолда суд муҳокамаси тугагунига қадар тафтиш инстанцияси судига берилиши мумкин ва умумий асосларда кўриб чиқилиши лозим.

11. Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома шикоят (протест) билан бирга берилади. Процессуал муддатни тиклаш ҳақидаги илтимос бевосита шикоят (протест) матнида ҳам баён қилиниши мумкин.

Шикоят (протест) бериш муддати ўтишини узрли сабабларига процессуал ҳаракатни амалга оширишга объектив тўсқинлик қилувчи ҳолатлар (масалан, фавқулодда ҳолатлар, сув тошқинлари, пандемия, карантин, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суд қарор қабул қилган шахснинг суд ҳужжатидан бехабарлиги ва бошқалар) киритилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг касаллиги, унинг оилавий шароити (масалан, оила аъзосининг ўлими ёки оғир касаллиги), шунингдек, бошқа ҳолатлар, агар улар қонунда белгиланган муддатда тафтиш шикоятини беришни истисно этган ёхуд жиддий равишда қийинлаштирган бўлса, узрли сабаблар деб топилиши мумкин.

Вакилнинг ёрдами учун ёки давлат божи тўлаш учун пул маблағларининг мавжуд эмаслиги, юридик шахс вакилининг хизмат сафарида ёки меҳнат таътилида бўлиши, ҳуқуқшуноснинг йўқлиги каби ҳолатлар тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) бериш муддати ўтказилганлигининг узрли сабаблари деб ҳисобланиши мумкин эмас.

12. Тушунтирилсинки, белгиланган муддат ўтганидан кейин ўтказиб юборилган шикоят (протест) бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномасиз берилган тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) ФПК $419^{10}$-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига мувофиқ қайтаришга, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад этилганлиги эса, уни ФПК $419^{11}$-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига мувофиқ иш юритишга қабул қилишни рад этишга асос бўлади.

13. Судларга тушунтирилсинки, ФПК $419^{10}$, $419^{11}$-моддаларида келтирилган тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) қайтариш, иш юритишга қабул қилишни рад этиш асосларининг рўйхатлари тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинмайди.

Судлар шуни инобатга олиши лозимки, агар тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) қайтариш учун бир нечта асослар мавжуд бўлса, суд ажримида ушбу асосларнинг ҳар бири кўрсатиб ўтилиши ва улар бартараф этилгач, шикоят (протест) берган шахс тафтиш тартибидаги шикоят (протест) билан судга умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилиши керак.

Тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) қайтариш тўғрисидаги ажримда кўрсатилган айни бир хил камчилик билан такроран шикоят (протест) билан мурожаат қилинганда, айни бир асослар билан шикоятни (протестни) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилмасдан, шикоят (протест) берган шахсга ажримда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳақида ёзма тушунтириш бериш ҳамда шикоят (протест) ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариш лозим.

(Давоми 4-бетда) ▶

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг**
**ҚАРОРИ**

# Судлар томонидан фуқаролик ишларини тафтиш тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

◀ **(Бошланиши 3-бетда)**

14. Тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда судлар шикоят (протест) берган шахс томонидан ФПК $419^{7}$-моддасининг ҳар бир талабига риоя қилинганлигини чуқур текшириши лозим.

Қонуннинг ушбу моддаси мазмуни тафтиш тартибидаги шикоят (протест) битта иш доирасида қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан берилишини назарда тутади. Айнан қайси суд ҳужжати устидан шикоят (протест) берилганлиги ноаниқ ёки шикоят (протест) бир нечта иш бўйича қабул қилинган турли суд ҳужжатлари устидан берилган бўлса, шикоят (протест) ФПК $419^{10}$-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан қайтарилади.

15. Тафтиш тартибидаги шикоятни берган шахс томонидан давлат божи тўлашнинг қонун билан белгиланган тартиби ва миқдорларига оид талабларга риоя қилинганлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда тафтиш инстанцияси судининг судьяси Ўзбекистон Республикаси "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасининг 1-банди, 8-моддаси ва ушбу Қонуннинг иловаси бўлган "Давлат божи ставкаларининг миқдорлари"га амал қилиши лозим.

Давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки унинг миқдорини камайтириш ҳақидаги илтимоснома судья томонидан тафтиш тартибидаги шикоятни иш юритишга қабул қилишда ҳал қилиниши лозим.

16. Тафтиш инстанцияси судининг судьяси суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимосномани ҳал қилишда, агар бундай чорани кўрмаслик суд ҳужжатининг қайтарма ижросини қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин деб ҳисобласа, унинг ижросини тўхтатиб туришга ҳақли, бундан дарҳол ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати мустасно.

Суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда ёки алоҳида ажримда кўрсатилиши мумкин.

Суд ҳужжатининг ижроси тафтиш инстанцияси судида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб турилади. Агар шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижасида суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган бўлса, унинг ижросини тиклаш ҳақида алоҳида процессуал ҳужжат қабул қилиниши талаб қилинмайди ва ёзма кўрсатма юборилиши етарли ҳисобланади.

17. Шуни инобатга олиши лозимки, суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш масаласи суднинг ташаббуси билан ҳал қилинмайди. Бу масала нафақат шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномасига кўра, балки шикоят (протест) бериш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсларнинг илтимосномаси асосида ҳам ҳал қилиниши мумкин. Илтимоснома тафтиш инстанциясида иш юритишнинг ҳар қандай босқичида берилиши мумкин.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) судлов ҳайъатида кўрилаётганда берилган суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимоснома шу ҳайъат таркиби томонидан ҳал этилади.

18. Тафтиш инстанцияси суди ФПКнинг 105-моддасига асосан ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан тафтиш инстанцияси судида иш юритиш тамомлангунига қадар ФПК 106-моддасида назарда тутилган даъвони таъминлаш чораларини кўришга ҳақли.

19. Тушунтирилсинки, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг судьяси тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) қайтариш, иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қабул қилиш масаласини якка тартибда шикоят (протест) судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилади.

Ажримда шикоятни қайтариш, иш юритишга қабул қилишни рад этиш асослари билан бирга шикоят беришда тўланган давлат божини қайтариш масаласи ҳам ҳал этилиши лозим. Бунда почта харажатларини қайтариш қонунда назарда тутилмаганлиги боис, улар қайтарилмаслиги тушунтирилсин.

ФПКда белгиланган шакл ва мазмун талабларига риоя қилган ҳолда берилган тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда уни кўриб чиқиш вақти ва жойи кўрсатилади (ФПК $419^{12}$-моддасининг биринчи, иккинчи қисмлари).

Агар суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган бўлса, бу ҳақда суднинг ажримида кўрсатилиб, ушбу ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга ва видеоконференцалоқа ўтказилишида кўмаклашадиган судга юборилади (ФПК 209-моддаси).

Иш тафтиш тартибида кўрилаётганда бошқа шахсдан шикоят (протест) келиб тушган тақдирда уни иш юритишга қабул қилиш, қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш масаласи судлов ҳайъати таркиби томонидан ҳал қилинади.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси ФПКнинг $419^{4}$-$419^{8}$-моддаларида белгиланган қоидаларга мувофиқ берилган тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) унга илова қилинган ҳужжатлар асосида, зарур бўлганда эса, ФПКнинг $419^{14}$-моддасига мувофиқ ишни талаб қилиб олиб ўрганади.

Тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) ўрганиш натижалари бўйича қуйидаги ажримлардан бири чиқарилади:

1) тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) ФПК $419^{10}$-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра қайтариш тўғрисида;

2) тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) ФПК $419^{11}$-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида;

3) суд ҳужжатларини тафтиш тартибида текшириш асослари мавжуд бўлмаса, тафтиш тартибидаги шикоятни судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида;

4) тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш масаласини якка тартибда шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилади.

Иш тафтиш тартибида кўрилаётганда бошқа шахсдан шикоят (протест) келиб тушган тақдирда уни иш юритишга қабул қилиш, қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш масаласи судлов ҳайъати таркиби томонидан ҳал қилинади.

Судья тафтиш тартибидаги шикоятни судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш ёки шикоятни иш юритишга қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш масаласини якка тартибда шикоят келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, иш талаб қилиб олинган тақдирда эса, икки ой ичида ҳал қилиши лозим.

Тушунтирилсинки, ФПКда белгиланган шакл ва мазмун талабларига риоя қилинган ҳолда келтирилган тафтиш тартибидаги протест ФПК $419^{15}$-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига асосан иш юритишга қабул қилиниб, кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими шикоят (протест) берган шахснинг аризасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосари томонидан бекор қилиниши мумкин.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг тафтиш тартибидаги шикоятни судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрими қонуний ва асослантирилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосари судьянинг шикоятни судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрими билан келишмасликка ҳамда шикоятни берган шахснинг аризасига асосан уни бекор қилиш, шикоятни иш юритишга қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли (ФПК $419^{16}$-моддасининг олтинчи қисми).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосарининг тафтиш тартибидаги шикоятни иш юритишга қабул қилиш ва судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақидаги ажрими чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ФПКнинг $419^{17}$-моддаси тартибида шикоятни кўриб чиқишга тайинлаш ҳақида ажрим чиқариши лозим.

Тушунтирилсинки, тафтиш тартибидаги шикоятни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш ҳақидаги ариза суд ҳужжати устидан шикоят қилиш учун белгиланган муддат ичида берилиши мумкин. Ушбу муддат ўтганидан кейин берилган ариза кўриб чиқилмайди.

Ажримни бекор қилишга асослар мавжуд бўлмаганда бу ҳақда тафтиш тартибидаги шикоятни берган шахсга ёзма хабар берилади.

23. Қонунда ишда иштирок этувчи шахсларни иш тафтиш инстанцияси судида кўрилишининг вақти ва жойи тўғрисида суд томонидан хабардор қилиниши мажбурийлиги белгиланганлиги сабабли, ушбу шахслар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаганда, улардан бирининг суд мажлисига келмаганлиги, ишни кўришни кейинга қолдиришга асос бўлади.

Тафтиш инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахслар ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлганда ҳам, агар улардан бири келмаганлиги сабабини узрли деб топса, ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Суд муҳокамасининг ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган шахсларнинг суд мажлисига келмаганлиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди (ФПК $419^{12}$-моддасининг учинчи қисми, $419^{18}$-моддасининг иккинчи қисми).

24. Судларга тушунтирилсинки, ФПК $419^{19}$, $419^{20}$-моддаларида кўрсатилган тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўрмасдан қолдириш, у бўйича иш юритишни тугатиш асослари шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилганидан сўнг аниқланган бўлишини назарда тутганлиги сабабли, шикоятни (протестни) кўрмасдан қолдириш, у бўйича иш юритишни тугатиш масаласи судлов ҳайъати таркиби томонидан ҳал этилади.

25. ФПКнинг $419^{23}$-моддасига мувофиқ, тафтиш инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар шикоят берган шахс уни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки ундан воз кечишга, протест келтирган прокурор, шунингдек, юқори турувчи прокурор протестни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки қайтариб олишга ҳақли.

Шикоятдан воз кечилиши (протест қайтариб олиниши) муносабати билан тафтиш тартибида иш юритишни тугатиш масаласи суд мажлисида шахснинг шикоятдан воз кечишга (протестни қайтариб олишга) ваколати борлиги текширилганидан сўнг ҳал қилинади. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ФПКнинг 69-моддаси мазмунига кўра, вакилнинг ишончномада кўрсатилган суд ҳужжати устидан шикоят бериш ҳуқуқи ўз-ўзидан, башарти бу ҳолат ишончномада махсус кўрсатилган бўлмаса, шикоятдан воз кечиш ҳуқуқини бермайди.

Шикоятдан воз кечилганда (протест қайтариб олинганда) суд ушбу шикоят (протест) бўйича тафтиш тартибида иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради. Суд ҳужжатига нисбатан шикоят (протест) қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс томонидан иш бўйича шикоят (протест) берилган бўлса, у умумий асосларда кўриб чиқилади.

26. ФПКнинг 47-моддасига асосан процессуал ҳуқуқий ворислик суд процессининг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, тарафларнинг бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили низоли ёхуд суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тақдирда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ва ҳоказо.) тафтиш инстанцияси суди бундай шахсларни уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштиради ҳамда уларга ишга доир барча материаллар билан танишишга имкон беради.

Ҳуқуқий вориснинг процессга киришганлиги ҳақида тафтиш инстанцияси суди ажрим чиқаради ва процессдан чиқиб кетган иштирокчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтишини тушунтиради.

27. ФПКнинг $419^{25}$-моддасига мувофиқ, вилоят ва унга тенглаштирилган судларда тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бўйича иш тафтиш инстанцияси суди томонидан шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бўйича иш шикоятни (протестни) кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Алоҳида ҳолларда тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриб чиқиш муддати ишни кўраётган судлов ҳайъати томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриш муддати узайтирилганлиги тўғрисида ажрим чиқарилади.

28. Тафтиш инстанцияси судида ишни кўриб чиқиш ФПКнинг 397-моддасида назарда тутилган тартибда, ФПКнинг 46-бобида назарда тутилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

29. Тафтиш инстанцияси суди томонидан иш юритишни тўхтатиб туриш ФПКнинг 10-бобида назарда тутилган асослар ва тартибда амалга оширилади.

Иш юритиш тикланганлиги тўғрисида тафтиш инстанцияси суди ажрим чиқаради ва ишда иштирок этувчи шахсларни иш кўриладиган вақт ва жой тўғрисида хабардор қилади.

30. ФПКнинг $419^{27}$-моддасига мувофиқ, тафтиш инстанцияси суди ишни тафтиш тартибида кўраётганида суд ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда текшириб қуйидагиларни аниқлаши лозим:

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланганлиги ва исботланганлиги;

суд ҳужжатида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқлиги;

барча билдирилган талаблар бўйича суд ҳужжати қабул қилинганлиги;

моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлиги (ФПКнинг $372^{2}$-моддаси);

суд ҳужжати унинг мазмуни ва шаклига нисбатан қонунда белгиланган талабларга мувофиқлигини.

Тушунтирилсинки, ишни тафтиш тартибида кўришда суд янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Судларнинг эътибори биринчи инстанция судида муҳокама предмети бўлмаган янги талаблар, шу жумладан, тарафнинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги талаби, тафтиш инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилмаслигига қаратилсин.

31. Тафтиш инстанцияси суди тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Тафтиш инстанцияси суди ажрими иш муҳокамаси тугаганидан кейин дарҳол чиқарилади. Алоҳида ҳолларда, асослантирилган ажримни тайёрлаш беш кунгача бўлган муддатга кечиктирилиши мумкин, бироқ ажримнинг хулоса қисми суд томонидан тафтиш муҳокамаси тамомланган мажлисда эълон қилиниши керак.

32. Тафтиш инстанцияси судининг эътибори тафтиш тартибидаги шикоятда (протестда) келтирилган ҳар бир важни унинг асосли ёки асоссизлиги ҳақидаги хулосани ажримда кўрсатган ҳолда муҳокама қилиш зарурлигига қаратилсин.

Тафтиш инстанцияси суди ажримининг хулоса қисмида шикоятни (протестни) кўриш натижалари тўғрисидаги хулосалар, шу жумладан, суд харажатлари тақсимланиши кўрсатилиши керак.

Тафтиш инстанцияси суди ажримни эълон қилганидан сўнг, ишда иштирок этувчи шахсларга қабул қилинган ажримнинг мазмунмоҳиятини, унинг устидан шикоят қилиш тартибини, шунингдек, суд мажлиси баённомаси билан танишиш муддатини тушунтириши шарт.

33. ФПКнинг $372^{2}$-моддасига мувофиқ, тафтиш тартибида суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартиришга қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

суд ҳужжатида баён этилган суд хулосаларининг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

билдирилган талаб бўйича қарор қабул қилинмаганлиги;

моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги.

Судларнинг эътибори мазмунан тўғри бўлган суд ҳужжатини фақат расмий асосларга кўра бекор қилинишига йўл қўйилмаслигига қаратилсин.

34. Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш деганда, судлар томонидан қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжати қўлланилмаганлиги, қўлланилиши лозим бўлмаган қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжати қўлланилганлиги, қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги тушунилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, процессуал ҳуқуқ нормалари бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, башарти бу ишнинг нотўғри ҳал этилишига олиб келган бўлса, суд ҳужжатини бекор қилишга асос бўлади. Шу билан бирга, процессуал ҳуқуқ нормаларнинг ФПКнинг $372^{4}$-моддасида назарда тутилган ҳолларда бузилиши ҳар қандай ҳолда суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Судларга тушунтирилсинки, агар қонунда низоли ҳуқуқий муносабат вужудга келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжати қўлланилиши назарда тутилган бўлса, ўз кучини йўқотган қонун ҳужжати қўлланилганлиги суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

35. Тафтиш инстанцияси суди, агар суд ҳужжатлари қонунга мувофиқ қабул қилинган деган хулосага келса, тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) қаноатлантирмасдан, суд ҳужжатларини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

36. Тафтиш инстанцияси суди ФПКнинг 122 ва 124-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича суд ҳужжатларини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга, аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тўлиқ ёки қисман тугатишга ҳақлидир.

37. Тушунтирилсинки, тафтиш инстанцияси суди ФПК $372^{2}$-моддаси биринчи қисмининг 4-банди ва $372^{4}$-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда суд ҳужжатларини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга ҳақли.

Суд ҳужжатлари бекор қилинганда ишни биринчи инстанция судига янгидан кўришга юборишга қонун йўл қўймаслигига судларнинг эътибори қаратилсин, бундан биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қилмаган ажримлари бекор қилинган ҳоллар мустасно (масалан, иш юритишни тугатиш, аризани кўрмасдан қолдириш ва ҳоказо.).

38. ФПК $372^{2}$-моддаси биринчи қисмининг 4-бандини қўллашда шуни инобатга олиш лозимки, ушбу асос бўйича ишни янгидан кўриш учун апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга арз қилинган талаб бўйича суд томонидан суд ҳужжати қабул қилинмаган ҳолларда йўл қўйилади.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво талабларининг асоси ёки предметини ёхуд даъво миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги аризани (ФПК 44-моддасининг иккинчи қисми), шунингдек, қарши даъво аризани (ФПКнинг 200-моддаси) иш юритишга қабул қилишни асоссиз рад этилиши апелляция ёки кассация инстанцияси суди ажримини бекор қилиш учун асос бўлади.

39. ФПК 3-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли эканлигидан келиб чиқиб, ФПК $372^{4}$-моддаси биринчи қисмининг 4-бандини қўллашда шуни инобатга олиш лозимки, ушбу асос бўйича ишни янгидан кўриш учун апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масалани ҳал қилганда йўл қўйилади.

40. Шуни назарда тутиш лозимки, суд харажатларини тақсимлаш масаласининг ҳал этилмаганлиги ёки нотўғри ҳал этилганлиги ўз-ўзидан суд ҳужжатини бекор қилишга ёхуд ўзгартиришга асос бўлмайди. Бундай ҳолда тафтиш инстанцияси суди ажримнинг хулоса қисмида суд харажатларини ФПКнинг 138-141-моддаларида назарда тутилган қоидалар бўйича тақсимланишини кўрсатади.

41. ФПКнинг 261-263-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тафтиш инстанцияси суди:

ажрим ёзувида йўл қўйилган хатоларни ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатишга;

қўшимча ажрим чиқаришга;

ажримни тушунтиришга ҳақли.

Ушбу масалалар суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахсларни уни ўтказилиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилган ҳолда кўрилади.

Бироқ мазкур шахсларнинг келмаганлиги бу масалаларни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

42. Апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилган биринчи инстанция судининг ажрими устидан, агар унга нисбатан шикоят (протест) бериш қонунда назарда тутилган ёки у ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган бўлса, тафтиш тартибида шикоят (протест) берилиши мумкин.

Апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилган биринчи инстанция судининг ажрими устидан тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) бериш ва уни кўриш, ҳал қилув қарори устидан тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш ва кўриш учун назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

43. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан иш тафтиш тартибида кўрилганидан сўнг шикоят келиб тушганда, уни берган шахсга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига протест киритиш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки Бош прокурорига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади (ФПК $419^{5}$-моддасининг иккинчи қисми).

44. Тафтиш инстанцияси суди давлат органи ёки бошқа орган, ташкилот, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилиши факти аниқланганда, уларнинг суд процессида иштирокидан қатъий назар, ФПКнинг 275-моддасига мувофиқ хусусий ажрим чиқаришга ҳақли. Агар суд шахсларнинг ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун бу ҳақда тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар қилади.

Хусусий ажрим чиқарилганлиги ва хабарнома юборилиши ҳақида суд мажлисида эълон қилинади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

45. Процессуал қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилиши амалиётини шакллантириш мақсадида вилоят ва уларга тенглаштирилган судларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига фуқаролик ишларини тафтиш тартибида кўриш суд амалиётини умумлаштириб бориш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** **Б. ИСЛАМОВ**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси** **Н. ХАКИМОВА**



*Моҳият*

# Энергияни тежаш ва унинг самарадорлигини ошириш

## УНГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотлар доирасида энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш мақсадларига эришиш жараёнини тезлаштиришга қаратилган масалалар илгари сурилиб, устувор вазифалар белгилаб олинмоқда. Углеводород ёқилғи ресурсларининг чегараланганлиги ва ҳажми камайиши энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш чораларини кўришни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар умуммилий энергетика таркибида қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга ошириш ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий қувватини 30 Гвтга етказиш мақсад қилинган. Шунингдек, мамлакатимиз 2021 йил ноябрь ойида Буюк Британиянинг Глазго шаҳрида ўтказилган Иқлим бўйича халқаро саммитда 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотга нисбатан иссиқхона газлари улушини 35 фоизга камайтириш ташаббусини илгари сурди.

Маълумотларга қараганда, дунёда йилига 14 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг бўлган энергия истеъмол қилинмоқда. Бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 17 миллиард тоннани ташкил этиши кутилмоқда.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида аҳоли жон бошига истеъмол қилинадиган электр энергияси миқдори бир-биридан катта фарқ қилади. Масалан, Норвегияда бу кўрсаткич йилига 24756 квт/соатни ташкил қилса, АҚШда 11204 квт/соат, Германияда 6995 квт/ соатни, Францияда 5870 квт/соат, МДҲ мамлакатларида 5792 квт/соат, Жанубий Кореяда 1905 квт/соат, Мисрда 648 квт/соат, Покистонда 301 квт/соат, Бангладеш ва Суданда 50 квт/соатни ташкил этади, холос.

Мамлакатимизда бу кўрсаткич ўртача 2000 квт/соатдан кўпроқ. Аммо мамлакатимизда ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ўртача ҳисобда илғор мамлакатларга нисбатан 2,5-3 баробар кўп энергия ва ресурс сарфланади.

Ўз навбатида, бу рақамлар ҳам энергетика соҳасида самарадорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ва соҳанинг ҳуқуқий базасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бунинг устига бугун энергия ресурслари истеъмоли самарадорлигини, энергия сарфи меъёрлари ҳамда энергия аудити ўтказишни мониторинг қилишнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини кучайтириш учун қулай шароит яратиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий соҳа ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг эллик тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган **“Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”**ги қонун ҳам энергетика соҳасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, соҳага хорижий ва хусусий инвестициялар жалб этишни кўпайтириш, нарх шаклланишининг эркин ва шаффоф механизмларини жорий қилишга қаратилган.

Электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларини ташкил қилиш мақсадига қаратилган ушбу янги қонун 2023 йил 11 сентябрда тасдиқланган **“Ўзбекистон–2030”** Стратегияси ҳамда Президентимизнинг 2023 йил 28 сентябрдаги **“Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”** Фармони асосида ишлаб чиқилган. Унда энергияни тежаш ва энергия самарадорлик талабларини бузганлик ва ресурсларни меъёридан ортиқча сарфлаганлик учун жавобгарлик белгилаш назарда тутилган.

Янги қонунда энергияни тежаш ва самарадорликни оширишни давлат томонидан тартибга солиш бўйича нормалар ҳамда энергетика менежменти, энергия аудити ва энергетика экспертизаси қоидалари ҳам белгиланмоқда. Қонуннинг асосий мақсади — энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш, соҳани рағбатлантириш, ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини яратишдир.

Шу билан бирга, ушбу қонунда иқтисодиёт рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги, энергетика ва экология хавфсизлигини ошириш, энергияни тежаш ва энергия самарадорлиги салоҳиятини кўтариш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартиб-тамойиллари белгиланди. Янги қонун энергия истеъмолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида янада такомиллаштиришни, шунингдек, соҳани узоқ муддатли ривожлантиришга қаратилган муҳим чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Мазкур қонунни ишлаб чиқишда қатор хорижий давлатлар, жумладан, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Хитой, Туркия, АҚШ каби мамлакатлар тажрибаси батафсил ўрганилди. Айниқса, Япониянинг бу соҳадаги ибратли тажриба ва тамойилларига таянилди.

Шундай қилиб, ушбу қонуннинг қабул қилиниши:

**биринчидан,** энергия ресурслари харажатларини янада оптималлаштиришга хизмат қилиб, энергия истеъмоли самарадорлигининг тизимли мониторингини амалга ошириш учун ҳуқуқий пойдевор бўлади. Шунингдек, қарийб, 85 фоизи табиий ресурслар ҳисобига олинаётган электр энергиясидан самарали фойдаланиш келажак авлодлар олдидаги қарзимиз, яъни табиий ресурсларнинг тежалишига замин яратади;

**иккинчидан,** иқтисодиёт драйвери бўлган энергетик барқарорликка эришиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, энергия бозорининг тартибга солинишига, улгуржи ва чакана бозор механизмларининг босқичма-босқич жорий этилишига ҳуқуқий асос яратади;

**учинчидан,** аҳолининг узлуксиз ва барқарор энергия билан таъминланишига ҳамда истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошишга олиб келади;

**тўртинчидан,** ялпи ички маҳсулот бирлигига сарфланаётган энергия самарадорлиги ошиши, экологик барқарорликка ва табиий ресурсларни тежайдиган «яшил энергия» ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга хизмат қилади;

**бешинчидан,** энергия йўқотишлари қисқариши ҳисобига таннарх камайиши, нархнинг талаб ва таклиф асосида эркин шаклланишини таъминлайди;

**олтинчидан,** энергиядан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олишда муҳим асос бўлади;

**еттинчидан,** истеъмол қилинаётган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни аниқ белгилаш имконини беради;

**саккизинчидан,** ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда энергиядан самарали фойдаланиш, энергия тежовчи технологияларни ҳамда қайта тикланувчи манбаларни кенг жорий этишни рағбатлантиради.

Ҳозирда электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш асосан инфратузилмага қаратилмоқда. Шу муносабат билан муайян масалаларни биринчи навбатда ҳал қилиш тақозо этилади. Яъни:

– иқтисодиётда энергия сиғимли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қайта кўриб чиқиш;

– ҳудудларда инфратузилмани ривожлантиришда маълум катта объектларни қуришдан олдин лойиҳалаш жараёнида уларни талаб этиладиган ресурс ва энергия билан таъминлаш имкониятларини аниқ ҳисоб-китобларга асосан ташкил этиш;

– гибрид, яъни кундузи қуёш, кечқурун шамол генераторлари орқали узлуксиз электр энергия олиш тизимини жорий қилиш;

– иссиқлик ишлаб чиқарадиган ва иссиқ сув тайёрлайдиган қуёш коллекторларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;

– соҳани тубдан модернизация қилиш орқали электр энергиясини узоқ масофаларга узатишдаги йўқотишларни бартараф этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Мухтасар айтганда, аҳоли сонининг ошиши, янги корхоналар ташкил этилиши, уй-жойлар қурилиши, ёқилғи сифатида газдан фойдаланаётган автомобиллар кўпайиши оқибатида энергия ресурсларининг истеъмоли кескин ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, тармоқни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, энергия ресурсларини самарали тежаш ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳар биримизнинг вазифамиз бўлмоғи лозим.

***Аввало шуни айтиш керакки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 78-моддасига биноан бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлиқ ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир. Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза этилади.***

● *Инсонийлик тамойиллари*

# Фарзанд тарбиясида ОНАНИНГ ЎРНИ

Бола тарбияси ҳақида фикр юритганда, бу жараёнда онанинг ўрни беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу боис судларда фарзандни олиб бериш билан боғлиқ ишларда онага устуворлик берилиши ҳам халқимизга хос эзгу қадриятларга асосланади.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Муслим Маматов ва Муножатхон Юсупова 2015 йил 12 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган. Аввалига эр-хотин ва қуда-андаларнинг муносабатлари жуда яхши, ҳамма ҳавас қилгудек бўлган. Чунки ёш келин-куёв бир-бирини тушуниб, қайнона ва қайнотаси уларга тўғри йўл кўрсатган ҳолда яшаб келишган. Биргаликдаги турмушларида 2017 йил 27 июнда Ҳаётбек Иномжонов ҳамда 2020 йил 24 мартда Диёрбек Иномжонов исм-шарифли ўғилли бўлишган.

Аммо орадан йиллар ўтгач, оиладан тинч-тотувлик ва файзу барака кўтарилди. Бунга М.Маматовнинг тўю-тантаналарда ҳофизлик қилиши сабаб бўлган. Яъни у тўй ва маросимларда кўп ичадиган одат чиқарган. Оқибатда бу хонадон жанжалнинг уясига айланади. Бинобарин, оиласини сақлаб қолишга кўзи етмаган М.Юсупова 2023 йил апрель ойида фарзандларини олиб, ота уйига кетиб қолади. Шундан буён улар бирга яшашмаган.

2023 йил август ойида М. Маматов фарзандларини дам олиш кунларини бирга ўтказиш учун ўз уйига олиб кетади. Бироқ шундан сўнг Ҳаётбек ва Диёрбекни онасига қайтармайди. Шу боис М.Юсупова фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, фарзандларини ўз тарбиясига қайтариб олиб беришни сўрайди.

– М.Маматов тўйлардан маст ҳолда келиб, болаларимни ҳақорат қилар экан. Қолаверса, отаси тўйга кетган пайтда қаровсиз қолиб кетишган, — деди М.Юсупова суд жараёнида.

Шу ўринда қонун талабига эътибор қаратсак, амалдаги Оила кодексининг 75-моддасида **“Ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганини, боланинг ёшини, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади”**, дея қайд этилган.

Бинобарин, суд даъвони қаноатлантириб, Ҳаётбек ва Диёрбек Иномжоновларни отаси М.Маматовдан онаси М.Юсупова тарбиясига олиб бериш хусусида ҳал қилув қарори чиқарди. Лекин жавобгар М.Маматов суд қароридан норози бўлиб, кассация шикояти билан мурожаат қилди.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 21-моддасига кўра, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади. Ушбу қонун талабидан келиб чиққан биринчи инстанция суди Ҳаётбек ва Диёрбек ёш бўлгани боис онанинг ғамхўрлиги ва эътибори кўпроқ зарурлиги, улар онасининг қарамоғида камолотга етиши мақсадга мувофиқлигини инобатга олиб, М.Маматовнинг фарзандларини аёлининг қарамоғига қайтаришга тўсқинлик қилганлигини танқидий баҳолаган ҳолда даъво талабини қаноатлантириб асосли хулосага келган.

Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги **“Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”**ги қарорига мувофиқ, суд ота ёки онанинг боласининг тегишлича, тарбиясини таъминлай олиш имкониятлари, ота ёки онанинг боласи билан ўзаро муносабатлари хусусиятлари, боланинг ўз ихтиёрида бўлган шахсларга қанчалик кўнгил қўйгани ва бошқа муайян ҳолатларни эътиборга олади.

2019 йил 22 апрелдаги **“Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Президент қарорида ҳам ваколатли органлар (шахслар) боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда боланинг энг устун манфаатларини назарда тутувчи қарор қабул қилиши шартлиги белгиланган.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Ёзёвон тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг 2024 йил 5 февралдаги хулосасида Ҳаётбек ва Диёрбек Иномжоновларни онасининг уйида парвариш қилиш учун барча шароитлар мавжудлиги, фарзандларни онасига олиб бериш учун тўсқинлик қилувчи омиллар мавжуд эмаслиги қайд этилган. Ана шу асосларга таянган Фарғона вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдирди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, боланинг ўсиб-улғайишида она меҳри ва тарбияси муҳим аҳамиятга эга. Миллий қонунчилигимизда ана шу ҳаётий қоиданинг ўз ифодасини топгани она ва бола манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Бузрукхон АБРОРОВ,**
*Фарғона вилояти суди судьяси*

◇ *Менда таклиф бор*



# ЯНГИ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА:

## фуқаролик суд ишларини юритишни тартибга солади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу ўринда процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш тушунчасига аниқлик киритадиган бўлсак, у қонунда назарда тутилган процессуал ҳуқуқлардан инсофсиз фойдаланишда намоён бўлади. Бундай ҳаракатлар сирасига суд процесснинг меъёрдагидек ўтишига ҳалақит қилиш, суд жараёнларини секинлаштириш, муддатларни чўзиш, суд процесси иштирокчилари вақтини олиш каби ҳолатларни киритиш мумкин.

Аслида процессуал ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг бир тури ҳисобланади. Ушбу тамойил моҳиятан фуқаролик суд ишларини юритишни тартибга солишга қаратилган.

Шу ўринда бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратсак, кўплаб тараққий этган мамлакатларда ҳуқуқларни суиистеъмол қилишни тақиқлаш

> **Процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш тушунчасига аниқлик киритадиган бўлсак, у қонунда назарда тутилган процессуал ҳуқуқлардан инсофсиз фойдаланишда намоён бўлади. Бундай ҳаракатлар сирасига суд процесснинг меъёрдагидек ўтишига ҳалақит қилиш, суд жараёнларини секинлаштириш, муддатларни чўзиш, суд процесси иштирокчилари вақтини олиш каби ҳолатларни киритиш мумкин.**

конституциявий принцип сифатида белгиланган. Масалан, Япония Конституциясининг 12-моддасида халқ эркинлиги ва ҳуқуқларни суиистеъмол қилишдан сақланиш зарурлиги қайд этилган. Греция Конституциясининг 25-моддасига асосан ҳуқуқларни суиистеъмол қилишга йўл қўйилмайди. Бундай қоида Болгария Конституциясининг 57-моддаси, Германия Конституциясининг 74-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Бу эса, ўз навбатида, миллий қонунчилигимизда айни шу масалада бўшлиқ мавжудлигини кўрсатади.

Шу боис амалдаги Фуқаролик процессуал кодекснинг **“Фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари”** деб номланган 2-бобига қуйидаги мазмундаги янги **“Процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилмаслик”** принципини киритиш мақсадга мувофиқ:

**“$16^{2}$-модда. Процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилмаслик**

***Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари уларга берилган ҳуқуқлардан виждонан фойдаланиши ва процессуал мажбуриятларга риоя қилишлари шарт.***

***Процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш суд томонидан ушбу кодексда назарда тутилган процессуал чоралар қўлланилиши ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъсир чоралари қўлланилишига сабаб бўлади”.***

Фуқаролик процесси доирасида процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик принципининг қонунда алоҳида принцип сифатида белгиланишининг аҳамияти шундан иборатки, у **биринчидан,** ҳуқуқларни суиистеъмол қилишнинг ҳар қандай шаклини олдини олишга қаратилган профилактик чора вазифасини бажаради. **Иккинчидан,** фуқаролик процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқлари мазмунини ҳамда ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш чегараларини аниқ белгилаш, шунингдек, уларни амалга ошириш механизмини оптималлаштириш имконини беради.

**Давлатжон ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
*ТДЮИ профессори*

Жиноятга жазо муқаррар

# Товламачи «ОШИҚ»

## ёхуд ножўя қадам ташлаш оқибати

***Бугунги кунда ахборот технологиялари юксак даражада ривожланди, ҳозир одамлар ўз ҳаётини интернетсиз тасаввур ҳам қилолмайди. Албатта, бу жараённинг жуда кўп қулай ва афзалликлари бор. Аммо ахборот технологиялари ютуқларидан ҳамма ҳам бирдек эзгу мақсад йўлида фойдаланмайди, аксинча, бу қулайликлардан ғаразли ниятда фойдаланишни кўзлайдиганлар ҳам йўқ эмас.***

***Қуйидаги воқеа тафсилоти ана шу ҳақида.***

Хонқа туманида яшовчи Маҳмуд Омонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2020 йили хорижда ишлаётган чоғида Интернет тармоғидаги “Телеграмм” канали орқали Беруний туманида истиқомат қилувчи Нодира Қодирова билан танишиб қолади. Дастлаб оддий мулоқотдан бошланган танишув орадан кўп вақт ўтмасдан қуюқлашиб, севги-муҳаббат муносабатларига айланади.

(Давоми 6-бетда) ▶

*Мунаввар лаҳзалар*

# КИТОБЛАРДАН топган дурларим




◀ (Бошланиши 1-бетда)

Салб юриши даврида Триполида уч миллион китоб йўқ қилинган. Мусулмон Андалусиясига уюштирилган босқинда Ғарнота майдонида бир миллиондан ортиқ китоб шафқатсизларча ёқиб юборилган. Нобель мукофоти соҳиби, физик олим Пьер Кюри бу машъум жоҳиллик ҳақида шундай ёзади: “Мусулмонлар Андалусиясидан бизга бор-йўғи 30 та китоб қолди, холос. Шу китобларни ўқиб, атомни парчалашга эришдик. Агар биз ана ўша буюк ислом цивилизациясига тегишли китобларни ёқиб юбормай, сақлаб қолинганимизда нима бўларди – биз бугун фазодаги галактикалар орасида сайр қилиб юрган бўлардик”.

Мирзо Улуғбекнинг ноёб китобларини алломанинг садоқатли шогирди Али Қушчи жоҳиллардан сақлаб қолган.

Имом ал-Бухорий 600 минг ҳадис тўплаб, шундан 100 минг саҳиҳ, 200 минг заиф ҳадисни ёдлаган. Бу ҳадисларни тўплашда 90 мингдан ошиқ кишининг ҳузурида бўлиб, улар билан суҳбатлашган.

Италиялик Рио Козелли кўп йиллар югуриб-елиб, ғоят зерикарли, ўқишга арзимайдиган маънисиз китобларни тўплаган. Унинг коллекцияси 10 минг жилддан иборат бўлган. Италиялик шоирлардан бири Козелли унинг китобини коллекциясига киритгани учун ўзини ўзи ўлдиришга ҳаракат қилган.

Асар ёзиш режаси қамоқхонада туғилган машҳур китоблар орасида Сервантеснинг “Дон Кихот”, Жон Баяннинг “Авлиёнинг саёҳати”, Оскар Уайльднинг “Қамоқдаги истиғфор”, Николо Макиавеллининг “Ҳукмдор” асарлари бор.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романи ҳам қамоқхонада ёзилган. Маҳбус Исмоилов кунлик юк ташиш режасини ортиғи билан бажаргани, тинимсиз ишлагани учун унга дастлаб кунига икки варақ, сўнг уч, тўрт варақ қоғоз берилган. Назоратчилар маҳбус қоғозга нималарни ёзаётганини кузатиб туришган.

Романнинг сўнгги бобига келганида Исмоиловнинг қамоқ муддати тугаб қолади. Ёзувчининг қамоқхона раҳбарларига ёзган аризасига Москвадан рухсат келгач, Мирзакалон Исмоилий камерада “истисно тариқасида” яна йигирма кун яшаб, асарни ёзиб тугатади.

Авваллари китоблар оз бўлгани учун бирор асарни жамоа билан овоз чиқариб ўқиш урф бўлган. Олимларнинг фикрича, бу усул хотирани мустаҳкамлаган. Кўпчилик бўлиб китоб ўқиш бўйича расмий марафон 224 соат давом этган.

Ўн саккизинчи асргача дунёдаги йирик кутубхоналарда фавқулодда ноёб китобларни занжирга боғлаб қўйишган. Чунки китоб ўғрилари банкларни ўмарувчилар каби машҳур бўлишган. Шундай ўғрилардан бири Стивен Блумерг ўз “фаолияти” давомида икки юздан ортиқ машҳур кутубхоналардан 23 мингдан ортиқ нодир китобларни ўғирлаган. Бир марта ҳам қўлга тушмаган. Вақт ўтиб, унинг бу “коллекция”си накд 20 миллион долларга баҳоланган.

Юлий Цезар ҳарбий ва сиёсий саҳнада қанчалик юксак бўлса, ижод борасида ҳам шунчалик етук шахс эди. У ёшлигидан барча илмларни эгаллаб, ижод билан фаол шуғулланган, шеър ва достонлар ёзган.Унинг энг кўп танилган асари «Галлияга қилинган урушлар шарҳи» асаридир. Бу асарда муаллиф ўзининг бугунги Франция ҳудудида истиқомат қилган қадимги галларга қарши олиб борган урушлари ҳақида учинчи шахс тилидан ҳикоя қилади. Цезар бошқа тарихчиларга нисбатан холис бўлишга ҳаракат қилганига қарамай, зафарли юришларини ошириб кўрсатиш мақсадида ёлғон ҳам ишлатган.

Абдулла Қодирийнинг уч ҳукмдорни мафтун этган Хонпошша ҳақидаги китоби ёзиб тугатилмаган. Тадқиқотларда айтилишича, адиб мавзуни ўрганиш учун бир неча бор Марғилонда бўлган, Худоёрхон зўрлик билан уйланиб олган Розиябегим билан учрашган, унинг аянчли тақдири билан қизиққан. Қамоққа олинганида, НКВД тинтувчилари адиб билан бирга романнинг дастлабки боблари битилган варақларни ҳам “вешдок” – жиноятни тасдиқловчи ҳужжат сифатида олиб кетишган. Хотираларга кўра, ҳибсхона назоратчилари нос чекканларида, уларни туфлаб ташлаш учун шу варақлардан фойдаланишган. Миллий адабиётимиз яна бир ноёб асарни йўқотган.

Исмоил Гаспринский асаридан ўқиганим: **“Абу Жаъфар Юнон ҳукмдори билан иноқ бўлиб, Афинадан беадоқ китоблар олдиради. Маъмун даврида Яҳё ибн Холид Бармакий Птоломейнинг “Мажистий” асарини таржима қилади. Санад бин Али ва Холид бин Абдумалик астрономия бўйича янги маълумотларни қўлга киритадилар. Ер шарининг узунлик ва кенглик даражалари ўлчаб чиқилади. Аббос бин Саййид Жўшарий каби машҳур олимлар юнонларнинг астрономияга оид асарларидаги кўплаб хатоликларни аниқлайдилар, қуёш доғлари, ой-кун тутилиши, думли юлдузлар борасида бир қанча кашфиётлар қиладилар. Европа олимлари ҳандаса (геометрия) илмини хуросонлик Абулвафонинг ҳижрий бешинчи аср бошида тузган “Аз-зижи Шомил” ва “Мажистий”сидан ўрганди...”**

Дунёдаги энг катта луғат китоб “Немис луғати” бўлиб, уни ёзиш 1854 йили ака-ука Якоб ва Вильгельм Гриммлар томонидан бошланган. Бу ишга кейинчалик турли олиму мутахассислар ҳисса қўшганидан сўнг китоб 1971 йили якунланган. 33 жилдли ушбу китоб 34519 саҳифадан иборат. Уни тўла ўқиб чиқиш учун қанча вақт сарф бўлишини тасаввур қиласизми?

“Google” дунёда чоп этилган барча бадиий, публицистик, илмий асарлар сонини ҳисоблаб чиққан. Уларнинг сони 130 миллиондан ошади. Одамзодга шунча китоб зарурми, дейишлари мумкин. 8 миллиардлик дунё аҳолисига 130 миллион китобни бўлиб кўринг-чи?..

Наполеон дунёда энг машҳур китоб қаҳрамони ҳисобланади. Унга бағишланган турли жанрлардаги китоблар сони ўн мингдан ошади. Наполеоннинг ўзи бир дақиқада 2000 та сўзни ўқий олган.

Бальзак ярим соатда 200 саҳифа китоб ўқиган.

Дунёда китоб учун энг кўп қалам ҳақи Рим императори Марк Аврелий томонидан шоир Оппианга тўланган. Унга балиқ тутиш ва ов ҳақидаги достонининг ҳар бир сатри учун 1 олтин тангадан ҳақ берилган. Оппианнинг икки достони 20 000 сатрдан иборат бўлган.

Бастилияда Дидро ва Д`Аламбернинг “Француз энциклопедияси” асарини дин ва жамият ахлоқига зарар келтиргани учун маҳбус сифатида қамоққа олишган.

Дунёдаги энг қиммат бадиий асар Леонардо да Винчи кўчирган “Лейчестер кодекси” китобидир. Уни “Майкрософт” асосчиси Билл Гейтс 1994 йили Нью-Йоркдаги “Сотбис” аукционидан 30,8 миллион долларга сотиб олган.

Эрамиздан аввалги 3350 йили ёзилган Присс папируси дунёдаги энг қадимий китоб ҳисобланади. Ушбу қўлёзма уни 1839 йили Фивадан топган Эмиль Присс шарафига шундай номланган. Қўлёзма муаллифи фиръавннинг вазири Пта-Готеп ёшларнинг тарбиясиз, ахлоқсиз ва ишёқмаслигидан нолиган.

Машҳур голланд врачи Герман Бурхавенинг “Тиббиёт санъатининг ягона ва теран сири” номли китоби муаллиф ўлимидан сўнг 1738 йили аукционда 10 минг доллар олтинга сотилади. Бежирим безалган ва ғилофланган китоб очилганида унинг саҳифалари бўм-бўшлиги маълум бўлади. Биринчи саҳифасида биргина шу ёзув бор экан, холос: “Бошингни совуқда қолдирсанг ҳам оёғингни иссиқ тут. Шундагина сен энг зўр врачларни ҳам қашшоқликка маҳкум қиласан”.

Бир китобда ўқиганим ёдимга тушди: “Сўқирлик шайтон ва жиноятга ўрин қолмаган бахтли коинотдир... Табризлик Шайх Али исмли машҳур мусаввир Жаҳоншоҳ учун “Хусрав ва Ширин” девонига суратлар чизади. Иш яримлаб қолганида шоҳ ўзи учун дунёда тенгсиз китоб яратилаётганидан беҳад хурсанд бўлади. Аммо кўнглида хавотир уйғонади: Шайх Али унинг азалий рақиби бўлмиш Узун Ҳасанга бундан-да гўзал ва бебаҳо китоб яратиб бериши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Китоб битиши билан Шайх Алининг кўзини кўр қилиш керак.

Шоҳ мулозимларига тегишли топшириқ беради. Бундан мусаввир хабар топади, аммо у Табризни тарк этмайди, ҳеч нима бўлмагандай, ишини давом эттираверади. Китоб битгач, шоҳ ёвуз ниятини амалга оширади. Бироқ бу ишидан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Шайх Али Узун Ҳасанга хотираси асосида янада гўзал ва бетакрор китоб тайёрлаб беради. Бундан илҳомланган Узун Ҳасан Жаҳоншоҳга қарши қўшин тортади, рақибини мағлуб этиб, унинг хазинасидаги ноёб китобни қўлга киритади. Кейинроқ фотиҳ Султон Маҳмуд Узун Ҳасанни енгиб, иккала китобни олиб кетади.

Европанинг бир қатор мамлакатларида вақти-вақти билан ўн икки – ўн тўрт ёшли ўсмирларнинг қанча фоизи китоб ўқиши аниқланади. Бу ҳудудда китоб ўқимайдиган болалардан келгусида жиноятчилар чиқиши эҳтимоли назардан қочирилмас экан...

Ўзбекистонда шахсий кутубхонасида ўн мингдан ортиқ китоблар жамланган юздан ортиқ китобсеварлар бор. Ҳар йили юз минг нусхадан ортиқ китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилиб, ёш китобхонларга бепул тарқатилмоқда.

Бугунги шароитда дунёни фақат китобгина қутқариши мумкин.

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Товламачи «ошиқ»



◀ (Бошланиши 5-бетда)

Н.Қодированинг М.Омоновдан тўрт ёш катта экани, бунинг устига оиласидан ажрашгани ўртадаги муносабатларга тўсиқ бўлиши мумкин эди. Аммо М.Омонов бунга эътибор ҳам бермайди, аксинча, муҳаббати орадаги ғовлардан устун эканини таъкидлайди. Бундай жўмардликдан боши осмонга етган Н.Қодирова уни уйига таклиф этади. Бу таклиф М.Омоновга ҳам маъқул тушади ва у тез орада хориждан қайтади. Шундан сўнг у Н.Қодированинг уйига танда қўйиб қолади. Табиийки, бундай узлуксиз “учрашув”лар оқибатида ўртадаги муносабатлар янада қуюқ тортади.Аммо орадан кўп ўтмай бошқа бир муаммо пайдо бўлади-ю, ўртадаги муносабатларга дарз кетади.

Гап шундаки, М.Омоновнинг ота-онаси уйлантириш тараддудига тушишгач, у икки ўт орасида қолади. Чунки ота-онанинг раъйини қайтариб бўлмайди, иккинчи томондан, Н.Қодировадан воз кечишнинг оқибати бундан-да катта можарони келтириб чиқариши тайин. Бунинг устига берунийлик “келин” билан ўрталаридаги сирнинг ошкор этилиши йигитнинг номини бадном этиши турган гап. Дарҳақиқат, ўйламай ташланган қадамнинг оқибати оғир ва асоратли кечмаслигига кафолат йўқ. Бунинг амалдаги ифодаси тез орада намоён бўлади.

М.Омоновнинг бошқа қизга унаштирилаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб, Н.Қодирова қаттиқ жазавага тушади. У тутоққанча “ота-онангнинг олдига бориб, маҳалла раиси ва профилактика инспекторини чақираман. Бор ҳақиқатни айтиб, тўйингни бузаман, бутун элга шарманда қиламан, ножўя ҳолатдаги видео тасвирларингни интернет тармоғига жойлайман” дея ўдағайлади. Сўнгра “ҳомиладор” эканини ҳам пеш қилади. Бундай таҳдидлардан М.Омонов қаттиқ қўрқувга тушади ва аёлдан “Нима қилсам сендан қутуламан?” деб сўрайди.

Бунга жавобан Н.Қодирова накд 200 миллион сўм берса, ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтади. Аммо М.Омонов бундай катта миқдордаги маблағни беришга имкони йўқлигини маълум қилади. Бундан жаҳли чиққан Н.Қодирова М.Омоновнинг отаси Каримбой Ҳожиевга телефон қилиб, ўзи билан ўғли ўртасида “олди-берди” борлигини билдиради. Бу гапни эшитиб, эсанкираб қолган ота дарҳол Н.Қодированинг олдига етиб келади. Аёл ундан М.Омоновнинг 200 миллион сўмлик қарзини тўлашни талаб қилади. Иложсиз қолган ота унга 10 миллион сўм беришга мажбур бўлади. Лекин Н.Қодирова бунга кўнмайди ва М.Омоновга таҳдид қилишда давом этади.

Ўзаро келишувга кўра, ўтган йилнинг 9 апрель куни М.Омонов ва Н.Қодирова Урганч шаҳридаги “Тўмарис-Нур” гипермаркети биноси олдида учрашишади. М.Омонов Н.Қодировага 9 минг АҚШ доллари ва 1 миллион сўм беради. Н.Қодирова пулни санаётганда ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинади. Шундан сўнг унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Яқинда ушбу жиноят иши судда кўриб чиқилди. Суд Н.Қодировани Жиноят кодексининг 165-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан айбдор деб топиб, 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Халқимиз доно, оқила, ҳаёли, иффатли, ҳалол ва пок фазилатли аёлларни бошига кўтаради, азиз ва мукаррам хилқатга менгзайди. Улар орасида ўзининг намунали хулқ-атвори, садоқат ва матонати, жасорати, фидоийлиги, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, фарзанд ва оиласеварлиги билан бутун элга довруғ таратаётган, ном қозонаётганлар жуда кўп. Афсуски, ҳаётда баъзан аёллик шаънини топтаётган, макр-у ҳийла орқали ўзгалар йўлига тузоқ қўяётган, ҳаётига рахна солаётган кимсалар ҳам учраб туради. Товламачилик жиноятига қўл урган Н.Қодирова ҳам ўз қилмиши билан аёллик шаънига доғ туширди.

Шу ўринда жарбланувчига айланган М.Омоновнинг тутган йўлини ҳам оқлаб бўлмаслигини таъкидлаш жоиз. Чунки у бошиданоқ ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилиб, нопок йўлга кирмаганда, бу ташвишларга гирфтор бўлмасди. Бу эса, ўз навбатида, ҳалоллик, ҳаё, садоқат ва ор-номус каби инсоний туйғуларнинг нақадар юксак экани, беҳаёлик, қинғирлик ва баднафслик охир-оқибат кишини бадном этишини кўрсатади. Бинобарин, бу бошқалар учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

**Муродбек ҲАСАНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг раиси*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч - адолатда" мухбири*

Қизиқарли ФАКТЛАР

***Одатда, шаҳарлар тараққиётининг даражаси ўзига хос қиёфаси, маданий-маиший ва замонавий иншоотлари, аҳолиси ва кўчалари сони кўплиги билан тавсифланади.***



# ҒАРОЙИБ ШАҲАРЛАР ВА АНТИҚА ЙЎЛЛАР

Бироқ Хитойда жойлашган Тяньмен шаҳри дунёдаги энг кичик шаҳар мақомини олган. Аҳолиси атиги бир оила ва унинг уч аъзосидан иборат бўлган митти шаҳарча ўз раҳбари ва муҳрига эга. Маълум бўлишича, бу мўъжаз шаҳарчада 1957 йилгача бор-йўғи ўнта оила истиқомат қилган бўлиб, номаълум сабабларга кўра, кўплари бу ерни тарк этишган. Ҳозирда бу ерда фақат Санцзилар оиласи яшаб, чорвачилик билан шуғулланишади.

Жанубий Австралиядаги Кубер-Педи шаҳарчаси эса, ўзининг қимматбаҳо тошлар захираси билан донг таратган. Маҳаллий аҳоли умрининг асосий қисмини ер остида ўтказишдек амалий тажрибалари билан машҳур. Гап шундаки, кубер-педиликлар жазирама иссиқдан жон сақлаш илинжида узундан-узоқ кўҳна шахталарни яшаш учун мослаштириб олган. Қизиғи, айни пайтда 2 мингдан зиёд аҳоли ер остида истиқомат қилиб, уларнинг нафақат турар-жойлари, балки ресторан ва ҳатто меҳмонхоналари ҳам шу ерда жойлашган. Улар кечаси ер юзига чиқиб, нур таратувчи коптокчалар билан гольф ўйнашни хуш кўришади.

Шунингдек, Перудаги қадимий инк ҳиндуларининг авлодлари — урос қабиласи аҳли ҳам антиқа яшаш тарзи билан дунёга машҳур. Ушбу қабила Титикака кўлида қамишдан ясалган 42 та сунъий оролчада истиқомат қилишади. Аксарият пайтларда бу қамишдан ясалган оролчалар бир жойга боғланган ҳолда туради. Энг қизиғи, қамиш — маҳаллий аҳоли учун ҳам уй-жой, ҳам кема, ҳам бошпана, ҳам озиқ-овқат манбаи ҳисобланади.

Одамзод истиқомат қилувчи энг олис орол Тристан-да-Кунья деб аталади ва ундаги яккаю ягона манзилгоҳ "Етти денгиз Эдинбурги" номи билан машҳур. Бу оролнинг энг яқин қўшниси ундан 2400 километр узоқликда жойлашган Муқаддас Елена оролидир. Тристан-да-Куньяда на аэропорт ва на денгиз порти бор. Аҳён-аҳёнда қатнайдиган савдо ёки юк ташувчи кемани ҳисобга олмаганда, бу ердан ҳеч қандай транспорт воситаси ўтмайди. Ушбу оролда атиги 300 нафар киши истиқомат қилиб, уларнинг тирикчилик манбаи асосан балиқчилик ҳисобланади.

Норвегия шимолидаги Арктика бўшлиқларида яккаю-ёлғиз Веггетем қишлоғи бор. У ерликлар табиат билан тиллашиш борасидагина эмас, балки ўзларининг энг кичик митти мактаби билан дунёга донг таратган. Бу илм масканида маҳаллий овчиларнинг атиги 5 нафар фарзанди таълим ол ади. Финляндия чегарасидан бир неча километр нарида жойлашган Пасвик дарёси водийсидаги бу қишлоқнинг ўзида бор-йўғи 60 га яқин киши истиқомат қилади, холос. "Биз бу ерда худди бир оила аъзоларидек аҳил ва иноқ яшаймиз", — дейди ўқитувчилардан бири Карин Фигеншау.

Ҳайдовчилар сафарлари давомида нималарни кўрмайди, дейсиз. Аммо куй таратувчи йўл бўйлаб илк бор саёҳат қилаётган ҳар қандай одам ажиб таассуротлар оғушида қолиши аниқ. Аслида куй таратувчи йўлларнинг мавжудлиги Европада анчадан буён йўл машаққатини енгиллаштиришнинг самарали усули сифатида эътироф этилмоқда. Мусиқий ёки куй таратувчи йўллар ғоясини илк бор 1995 йили Жейкоб Фрейд-Магнуа ва Стин Краруп Женсен исмли мутахассислар Дания йўлларининг бирида амалиётга татбиқ этган эди. Натижада бу антиқа ғоя тобора оммалашиб бормоқда.

Айни пайтда бу борада Япония дунёда биринчи ўринга чиқиб олган. Кунчиқар мамлакатда йигирмадан зиёд йирик автомагистраллар куй таратиб туради. Уларнинг орасида мамлакат пойтахти Токиодан Фудзияма шаҳрига элтувчи магистрал йўл энг оммабоп саналади, у автойўловчиларни шаҳарга кираверишда Фудзияма мадҳияси билан қарши олади.

Бундай йўлларни қуриш учун замонавий технологиялар ёки қандайдир ўзига хос йўл қопламаси керак бўлади, десангиз, адашасиз. Аслида, куйловчи йўлни яратиш учун аниқ математик ҳисоб-китоб ва мусиқий савия бўлиши кифоя. "Куй таратувчи" йўл — бу автомагистралнинг махсус қисми бўлиб, унга олдиндан қилинган ҳисоб-китоблар асосида турли кенглик ва чуқурликда жойлашган майда арикчалар кўндаланг қилиб ётқизиб чиқилади. Арикчаларнинг устидан ўтаётган автомобиллар уларда турли тебранишларни ҳосил қилиши натижасида автомобил салонида муайян куй янграй бошлайди. Бунда автомобилнинг вазни ёки тури мусиқанинг жаранги сифатига таъсир кўрсатмайди. Ягона талаб — машинани белгиланган муайян тезликда ҳайдаш, холос. Чунки йўл айнан шу тезлик талабига риоя қилган ҳайдовчиларнигина ўз санъатидан баҳраманд этади.

**Интернет материаллари асосида**
**Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади.**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Бош муҳаррир:*
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3660
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $21^{00}$. Топширилди: $23^{50}$.